

4. *Semyachkov K.* State Management of Russian Regions by Means of Digital Technologies. Proceedings of the 18th European Conference on Digital Government ECDG 2018 pp. 206-213

5. *Halford S., Savage M.* (2017) Speaking Sociologically with Big Data: Symphonic Social Science and the Future for Big Data Research. *Sociology*. Vol. 51, No. 6, pp. 1132-1148.

6. *Hilbert M., Lopez P.* (2011) The World's Technological Capacity to Store, Communicate and Computer Information. *Science*. Vol. 332, pp. 60-65.

*Б.М. Юлдашев, Ю.М. Хаджаева, Ф.А. Исмоилова
илмий раҳбар Г.Ж. Халматжонова
Фарғона политехника институтини,
Ўзбекистон
dodoboev49@mail.ru*

КОРЕЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН АХАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада Кореяда асосан ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланиш тажрибалари ҳамда уларнинг илгор усулларини Ўзбекистонга жорий этиш концепсияси ишлаб чиқилган

Калит сўзлар: ахборот, технология, коммуникация, давлат хизматлари, инсон ресурслари, семинар-тренинглар.

ЗНАЧЕНИЕ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ ЮЖНОЙ КОРЕИ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. Статья основана на опыте развития информационных технологий и связи в Корею и концепции их внедрения в Узбекистане.

Ключевые слова: информация, технологии, связь, государственные услуги, человеческие ресурсы, обучающие семинары.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вакилларининг Корея Республикаси Инсон ресурсларини ривожлантириш миллий институти (НИИ) делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур учрашув 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва НИИ ўртасида имзоланган ўзаро англашув ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга мувофиқ ташкил этилди.

Ўзбекистонга ташриф доирасида Жанубий Кореянинг давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича асосий ўқув-таълим муассасаси тингловчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва бошқа қатор вазирлик ҳамда идоралар фаолияти билан танишиш имконига эга бўлди. Бу мамлакатларимизда давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонлик ҳамда корейлик мутахассислар ўртасида тажриба ва амалий тавсиялар алмашинуви бўлиб ўтгани ташрифнинг муҳим натижаларидан бири бўлди. Меҳмонлар Ўзбекистонда АКТ соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, юқори технологик ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият юритаётган АТ-

корхоналари ва мутахассисларига тақдим этилаётган имтиёзлар ва енгилликлар, "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишдаги натижалар билан таништирилди.

Бу борада мамлакатимизда дастурчиларни тайёрлаш тизимини модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Намуна сифатида айни пайтда АТ-мутахассисларини тайёрлаш тизими сифатини ҳамда талабалар ва ўқитувчиларнинг академик ҳаракатчанлигини оширишга қаратилган кўплаб таълим лойиҳалари амалга оширилаётган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети кўрсатилди.

Корея Республикасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш миллий институтига (НИИ) 1949 йилда асос солинган бўлиб, Жанубий Кореянинг давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича асосий ўқув-таълим муассасаси ҳисобланади. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида корейлик ўқитувчилар томонидан семинар-тренинг ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳузуридаги Таълим маркази ҳамкорликда ташкил этган семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мактаблардан 70 нафар фан ўқитувчиси иштирок этди. Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияларини жорий қилиш, миллий кадриятларимизни сингдирган ҳолда таълимни ташкил этиш, бу жараённи пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Соҳани янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган семинар-тренингда 16 нафар корейлик педагог ижтимоий фанлар, филология, инглиз тили, математика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича маҳорат сабоқлари ўтказди. Ўқитиш методикаси ва дарсларда ўқувчилар билан ишлаш юзасидан тавсиялар берилди. Тажриба алмашилди. Инновацион педагогик технологиялар асосида олиб борилган машғулотлар фан ўқитувчилари учун муҳим аҳамият касб этди.

Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги институтига Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбарияти ҳамда ходимлари ташриф буюрди. Уларга республикаимиздаги таълим муассасаларида ёшларимизга корейс тили ва информатика фанларидан сабоқ бериб келаётган корейлик кўнгиллилар ҳамроҳ бўлишди. Меҳмонларга институт профессор-ўқитувчилари томонидан аҳоли турар жойлари, маъмурий ва ишлаб чиқариш бино ва иншоотларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин содир бўлган вазиятларда ҳаракатланиш тартиби, ёнғин ўчириш ҳамда газ ва тутундан ҳимояланиш воситаларини қўллаш тартиблари тўғрисида назарий ва амалий машғулотлар орқали кўрсатиб берилди.

Ёнғин ўчириш воситалари ва техникаларини қўллаш, ёнғин ўчирувчининг шахсий ҳимоя воситаларини ишлатиш принциплари, шунингдек, юртимизда ишлаб чиқарилган "ISUZU" русумли ёнғин ўчириш машиналарининг техник хусусиятлари ва имкониятлари намойиш этилди. Институт ходимларининг ёнғин ўчириш амалий спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Тадбир иштирокчилари келгусида ваколатхона билан институт ўртасида илмий ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўқув-услугий, курсантлар ва профессор-ўқитувчилар таркибини тил ўрганиши йўлида кўмак кўрсатиш бўйича ҳам келишиб олишди [1].

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Бунга ўзбек ва корейс халқлари характеридаги меҳнатсеварлик, орият, ватанпарварлик, шунингдек, бой

тарих ва миллий анъаналарга садоқат туйғулари маънавий замин бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзаро ҳамкорлик тарихини кўплаб қўшма корхоналар, биргаликда амалга оширилган йирик лойиҳалар ҳамда замонавий кадрлар тайёрлашдаги ёрдам, маданий-маърифий тадбирлар безаб турибди. Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатининг пайдо бўлиши ва юксалишида бу мамлакат кўмагини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Айниқса, илм-фан, таълим соҳаларидаги ўзаро муносабатлар кенг кўлам касб этмоқда. Бу борада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Жанубий Кореядаги кўплаб олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги юқори самара бераётган бўлса, Тошкентда Инҳа университетининг очилиши кадрлар тайёрлаш миллий тизимида янги йўналишга тамал тоши қўйди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Чунгнам, Сеул, Ханбат, Гангнеун-Вонжу, Гёнганг Миллий университетлари, Инҳа, Кёнги университетлари, Корея технологиялари ва таълим, Ханкук хорижий фанлар, политехника университетлари, Гванжу фан ва технологиялар, Корея тараққиёт институтлари, шунингдек, Тинч океани назарий физика маркази ва Корея атмосфера муҳити жамиятлари билан мунтазам алоқалар боғлаган.

– Таълим муассасамиз Жанубий Кореянинг 15 га яқин илмий маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйган, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Д.Жумабоев. – Қарийб 20 йил давомида қатор илмий симпозиумлар, халқаро конференциялар ўтказилди. Икки давлат олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўзаро тажриба алмашуви йўлга қўйилди. Бу тадбирларда талабалар ҳам фаол иштирок этмоқда. Тажриба шуни кўрсатдики, икки томоннинг бир-биридан ўрганадиган жиҳатлари кўп. Айниқса, компьютер технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимини ташкил қилиш борасидаги янгиликлар диққатга сазовор.

Мустақилликнинг дастлабки йилида Корея Республикаси билан ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик институтида корейс филологияси кафедраси фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда корейсшуносликни ривожлантиришнинг дастлабки босқичида миллий кадрларга эҳтиёж жуда юқори бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу масала тўлиқ ечимини топди. Мамлакатимиздаги филолог-корейсшуносларни тайёрловчи ягона марказ ҳисобланувчи олийгоҳ тизимида бугунги кунга қадар корейс тили ва лингвистикаси ҳамда адабиёти бўйича қатор илмий ишлар олиб борилди. Шу билан бирга, корейсча луғатлар ва атамалар устида ишлар олиб борилиб, мукаммал қўлланмалар чоп этилди. Шарқшунослик институти талабалари Сеул ва Гёнганг Миллий университетларида илмий изланиш ва кўникмаларини бойитиб келди.

Илмий ҳамкорлик борасидаги муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўтган даврда мамлакатларимиз тарихи, маданиятини тадқиқ қилиш соҳасида улкан ютуқларга эришилди. Икки мамлакат бир-бирини яқиндан ўрганди, таниди, бир-бирига қизиқиши ортди. Тошкентда Инҳа университетининг очилиши бу яқинликни янада мустаҳкамлади.

Мазкур олий ўқув юртининг пайдо бўлиш тарихи маърифатга эътибор, ўз кадр-қимматини тушунишга ёрқин мисол бўла олади. Тақдир тақозоси билан АҚШнинг Гавайи штатига бориб қолган корейслар ўз она шаҳарлари Инчеонда шахсий маблағлари эвазига ушбу олий ўқув юртини ташкил этишга киришади ва уни “Инҳа” (Инчеон ва Гавайи сўзларининг биринчи бўғинидан) деб аташга қарор қилади. 1952 йилдан фаолият юритаётган ушбу ўқув маскани замонавий кадрлар тайёрлашда ўзига хос салоҳиятга эга. Ана шу нуфузли олийгоҳнинг 2014 йилда Тошкентда Марказий Осиёдаги ягона филиали очилди. Уни ташкил этишдан мақсад жамият ва миллат

тараққиёти учун, юртимизда ахборот технологиялари соҳаси ривожини йўлида ўз ҳиссасини қўша оладиган, юқори малакали, ҳар томонлама баркамол мутахассисларни етказиб беришдир. Олий таълим муассасаси ўз олдида қўйган устувор вазифадан келиб чиқиб, талабаларга халқаро стандартлар асосида билим бермоқда. Айни пайтда университет ҳузурида магистратура ташкил қилинган, бакалаврият йўналиши электрон бизнес соҳаси билан кенгайтирилган.

Логистика замонавий коммуникациянинг янги кўринишларидан бири. Дунё иқтисодиётида унга талаб кучли, – дейди “Логистика” йўналиши учинчи босқич талабаси Гамзат Тешаев. – Мен Кореяда билим ва кўникмамни ошириб, компьютер дизайни, дастурлаш тили, операцион тизимлар, микропроцессор ва соҳанинг ютуқларини мукамал ўрганмоқчиман. Ниятим – Ўзбекистонда компьютер тили ва дастурлаш тизимининг ривожланган давлатлар логистикаси даражасига чиқишида ўз ҳиссамни қўшиш.

Ҳозир Тошкент шаҳридаги Инҳа университетидан 700 га яқин талаба таҳсил олмоқда. Битирувчиларга Ўзбекистонда олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Инҳа университети (Корея Республикаси)нинг белгиланган намунадаги дипломи берилади. Иқтидорли талабалар учун кўплаб имтиёзлар мавжуд. Кириш имтиҳонларида энг юқори натижа кўрсатган 10 талаба бепул ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, ўқув семестри якунлари бўйича энг яхши натижа кўрсатган яна 10 нафар талаба кейинги семестрда бепул ўқиш ёки семестр учун тўловнинг ярмидан озод бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Инҳа университети иқтисодиётга ўз билими билан хизмат қиладиган малакали кадрларни етказиб беради.

Статистик маълумотларга қараганда, сўнги беш йил ичида Жанубий Кореядаги Инҳа университетини битирган талабалар Samsung, LG Electronics, Hyundai, Samsung SDS, LG CNS, MBN, Sambo Computers, Lotte Information and Communications каби дунёнинг нуфузли корпорацияларида, шунингдек, ҳукумат муассасалари, молия агентликлари, илмий-тадқиқот лабораториялари, мактаб ва бошланғич компанияларда ўз истеъдодини намойиш этиб келмоқда. Бу йил улар сафига Тошкентдаги Инҳа университетининг илк битирувчилари ҳам қўшилади.

Юртимизда Жанубий Корея билан алоқаларни мустақамлаш йўлида кўплаб маданий тадбирлар ўтказилиб, бу дўст мамлакат билан яқин муҳит яратилаётган бўлса, Жанубий Кореяда ҳам шу каби тадбирлар кенг миқёсда ташкил этилади. Жумладан, олий ўқув юртларида ўзбек тилини ўрганишга ихтисослашган йўналишлар тобора кўпаймоқда. Умуман, мақсади муштарак, ниятлари эзгу икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорлик турли жабҳаларда баравж ривожланмоқда [2].

Тошкентдаги Инҳа университетидан “Логистика – ривожланиш йўлидаги янги марра” мавзуида форум ўтказилди. Унда Корея Республикасининг логистика соҳасидаги етакчи мутахассислари чиқиш қилди. Форум ишида Корея Республикасидаги Инҳа университети вице-президенти Чеонг Инкё раҳбарлигидаги делегация, мамлакатимиздаги вазирлик ва идоралар, компания ва корхоналар мутахассислари, пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.

Тошкентдаги Инҳа университети ректори Сарвар Бобоҳўжаев 2016 йилда мазкур таълим даргоҳида жанубий корейлик ҳамкорларнинг ўқув дастури асосида ушбу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш ишлари бошлаб юборилганини таъкидлади. Форум давлат органлари ва хусусий компаниялар эътиборини мазкур секторни ривожлантиришга қаратиш имконини беради.

Бу мамлакатимиз учун, айниқса, аҳамиятлидир. Чунки, Ўзбекистон дунё уммонига чиқиш имконига эга эмас. Шу сабабли ҳам юртимизда иқтисодий ўсиш ва жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминлаш учун самарали логистика тизимини ташкиллаштириш зарур. Бу экспорт-импорт операциялари ҳаражатларини

камайтириш имконини беради. Сўнги йилларда ҳукуратимиз раҳбарияти иқтисодий, шу жумладан, ташқи савдо бўйича ҳам фаол ислохотларни амалга ошираётган бўлса-да, логистика соҳасида юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж жуда катта. Форум доирасида логистика соҳасини ўрганаётган мамлакатимиз мутахассислари ва талабалари ушбу тармоқдаги сўнги трендлар билан танишиш, юкларни ташишда илмий ёндашувни жорий этишнинг афзалликларини кўриб чиқиш имконига эга бўлди. Кореялик профессорлар океанга чиқиш имкони йўқлигига қарамай, барқарор ривожланган иқтисодиётни барпо этишга эриша олган мамлакатлар тажрибасини намоиш этди.

Бундан ташқари, йирик хорижий компаниялар томонидан қўлланиладиган логистика тамойиллари ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, авиация соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсири масаласи муҳокама қилинди. Форум якунида хорижий мутахассислар Корея Республикасида логистика хабини яратиш ва бу борада мутахассислар тайёрлаш бўйича фикрлари билан ўртоқлашди.

2017 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги ҳамда Корея персонални ривожлантириш институти билан Кадрларни тайёрлаш ва бандлик даражасини қўллаб-қувватлаш дастури иловаси билан ўзаро Англашув тўғрисидаги меморандуми имзоланди.

Ушбу Меморандумни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ҳукурат қарори асосида тақдим этилаётган “Далварзин” маиший хизмат кўрсатиш коллежи базасида ишлашга рухсатнома олиш учун Ўзбекистон фуқароларига Корея тилини ўргатиш марказини очилиши бўйича қарор қабул қилинди.

Имзоланган маросимида Корея томони билан ушбу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликнинг изчиллик характери ҳисобга олиниб, шунингдек, кадрлар заҳирасининг малакасини ошириш, бандликни ҳал этиш тизими, томонлар ўртасидаги ижозат этилган сиёсат доирасида кадрлар заҳирасини жўнатиш ва ватанига қайтариб юбориш жараёнлари, томонлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда аҳоли бандлик даражасини қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон фуқароларини касбга тайёрлаш ва ўқитиш асосида ҳамкорлик қилиш имкониятлари муҳокама қилинди [3].

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. *Абдурахмонов К.Х., Додобоев Ю.Т.* Корея Республикаси: Маданияти, сиёсати, иқтисодиёти. Тошкент, 2006. 5-53 бетлар.
2. *Абдурахмонов К.Х., Додобоев Ю.Т.* Развития информационного технологи Корейский Республики и его значения для Узбекистана. Ташкент 2005, С. 50-75.
3. *Абдурахмонов К.Х., Додобоев Ю.Т.* Мировая экономика, Ташкент, 2005. С. 101–60.